## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ КАРОРИ

517 «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня хисоблаш тартиби тўгрисидаги низомни тасдиклаш хакида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўгрисида

Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 23 сентябрда руйхатдан ўтказилди, руйхат рақами 1724-1

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (І)-сон), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўгрисида» ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ−4354-сон «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кулай ишбилармонлик мухитини шакллантиришга доир қушимча чора-тадбирлар тўгрисида» ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 йил, 34-35-сон, 344-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитаси **қарор қилади:** 

- 2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Давлат солиқ қумитаси раиси

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 30 август, 2013-37-сон



39 (591)-сон — 31 — 517-модда

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитасининг 2013 йил 30 августдаги 2013-37-сон қарорига ИЛОВА

## «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня хисоблаш тартиби тўгрисидаги низомни тасдиклаш хакида»ги карорга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддима қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 52 ( I )-сон), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўгрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ—4354-сон «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик мухитини шакллантиришга доир қушимча чора-тадбирлар тургисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами, 2011 й., 34-35-сон, 344-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитаси **қарор қилади:**».

- 2. Низомда:
- а) муқаддима қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (І)-сон) ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўгрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ҳисоблаш ва ундириш тартибини белгилайди ҳамда зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларига (бундан кейинги ўринларда солиқ тўловчилар) тааллуқлидир.»;
  - б) 1-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
  - «1. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

**солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар** — бюджет, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жихозлаш жамғармасига мажбурий пул тўловлари;

ортиқча тўланган сумма — солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўланган ҳамда тўлаш учун ҳисобланган суммаси ўртасидаги ижобий фарқ суммаси;

**солиқ тўловчининг шахсий карточкаси** — солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг, шунингдек пеня ва жарималарнинг ҳисобланган ҳамда тўланган суммаларининг ҳисоби юритиладиган белгиланган шаклдаги ҳужжат;



**517-модда** 

**солиқ қарзи** — солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган муддатида тўланмаган молиявий санкциялар;

- **пеня** солиқ қарзи суммасидан, белгиланган тўлов муддатидан кейинги кундан бошлаб тўланган кунга қадар, тўлов кунини ҳам ўз ичига олган давр учун қонун ҳужжатларида белгиланган микдорда ҳисоблаб ёзиладиган молиявий санкция.»;
- в) 2-банддаги «шахсий ҳисобварақалари» деган сўзлар «солиқ тўловчининг шахсий карточкаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- г) 3-банддаги «Боқиманда», «солиқ тўловчининг шахсий ҳисобварақларида» ва «солиқ тўловчи шахсий ҳисобварақаларида» деган сўзлар тегишинча «Солиқ қарзи», «солиқ тўловчининг шахсий карточкаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
  - д) 4-9-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «4. Пеня солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларида акс эттирилган, солиқ қарзи суммасидан тўлов муддати тугаган кундан бошлаб ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,033 фоиз микдорида ҳисобланади.

Мисол: сўм

	Солиқ н	çарзи	Ортиқча	Колдик	Пеня	Хисоблан- ган пеня	
Солиқ тури	суммаси	%да	тўланган сумма	(+, -)*	хисоблаш даври		
Қўшилган қиймат солиғи	150 000	30,0	-	X	X	X	
Фойда солиғи	350 000	70,0	-	X	X	X	
Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар	1	1	200 000	X	x	X	
Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар	-		80 000	Х	X	X	
Жами	500 000	100	280 000	-220 000	25	1 815	


<sup>\* «+» —</sup> ортиқча тўланган сумма бўйича қолдик;

Келтирилган мисолдан келиб чиқиб ҳисобланган пеня суммаси 1815 сумни  $(220000 \times 25 \text{ кун x } 0.033\%)$  ташкил этади.

5. Солиқ қарзи суммасининг солиқ тўловчи томонидан ортиқча тўланган сумма микдорига тенг қисмига пеня хисобланмайди. Соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортикча тўланган суммалар мавжудлиги давлат солиқ хизмати органлари томонидан тасдикланиши лозим.

Мисол: сўм

	Солиқ қарзи		Ортиқча	Колдик	Пеня	Хисоблан-	
Солиқ тури	суммаси	% да	тўланган сумма	(+, -)*	хисоблаш даври	ган пеня	
Қушилган қиймат солиғи	300 000	75,0	-	X	X	X	
Фойда солиғи	-	-	200 000	X	X	X	





<sup>«-» —</sup> солиқ қарзи буйича қолдиқ.

СŸМ

Солиқ тури	Солиқ қарзи		Ортиқча	Қолдиқ	Пеня	Хисоблан-	
	суммаси	% да	тўланган сумма	(+, -)*	хисоблаш даври	ган пеня	
Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғарма- сига мажбурий ажратмалар	-	ı	200 000	х	х	X	
Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар	100 000	25,0	-	X	X	X	
Жами	400 000	100	400 000	0,0	-	0,0	

<sup>\* «+» —</sup> ортиқча тўланган сумма бўйича қолдиқ;

Келтирилган мисолдан келиб чиқиб, жами солиқ қарзи ва ортиқча тўланган суммалар тенг қийматни, яъни нуль қолдиқни ташкил қилади, мос равишда пеня ҳисобланмайди.

6. Жами ортиқча тўланган суммалар солиқ қарзи суммаларидан ошиб кетганда пеня хисобланмайди.

Мисол: сўм

	Солиқ қарзи		Ортиқча	Колдик	Пеня	Хисоблан-	
Солиқ тури	суммаси	%да	тўланган сумма	(+, −)*	хисоблаш даври	ган пеня	
Қўшилган қиймат солиғи	250 000	55,6	-	X	X	X	
Фойда солиғи	-	-	300 000	X	X	X	
Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғарма- сига мажбурий ажратмалар	-	ı	250 000	X	х	х	
Республика йўл жамғармасига маж- бурий ажратмалар	200 000	44,4	-	X	x	x	
Жами	450 000	100	550 000	100 000	-	0,0	

<sup>\* «+» —</sup> ортиқча тўланган сумма бўйича қолдиқ;

Келтирилган мисолдан келиб чиқиб, жами ортиқча туланган сумма солиқ қарзи суммаларидан ошиб кетади, мос равишда пеня ҳисобланмайди.

7. Ҳисобланган пеня суммаси солиқлар ва бошқа мажбурий тулов турлари буйича ҳар бир солиқ ва мажбурий тулов буйича солиқ қарзи суммаларининг жами солиқ қарзи суммасидаги улушидан келиб чиқиб тақсимланади.

Мисол: сўм

	Солиқ қарзи		Ортиқча	Қолдиқ	Пеня	Хисоб-	Пеня	
Солиқ тури	суммаси	%да	тўланган сумма	(+, −)*	ҳисоблаш даври	ланган пеня	тақсимоти	
Қўшилган қиймат солиғи	100 000	23,5	-	X	X	X	310,6	
Фойда солиғи	325 000	76,5	-	X	X	X	1 009,4	
Таълим ва тиббиёт муассаса- ларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жи- ҳозлаш жамғармасига мажбу- рий ажратмалар	1	-	200 000	х	x	x	-	

<sup>«-» —</sup> солиқ қарзи буйича қолдиқ.

<sup>«-» —</sup> солиқ қарзи буйича қолдиқ.

**517-модда** 

сÿм

Солиқ тури			Ортиқча тўланган сумма	Қолдиқ (+, -)*	Пеня ҳисоблаш даври	Хисоб- ланган пеня	Пеня тақсимоти
Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар	-	-	65 000	х	х	х	-
Жами	425 000	100	265 000	-160 000	25	1 320	1 320

<sup>\* «+» —</sup> ортиқча тўланган сумма бўйича қолдиқ;

Бу мисолда 160 000 сўм солиқ қарзи қолдиқ суммасига 1 320 сўм микдорида хисобланган пеня суммаси, қўшилган қиймат солиғи (23,5%) ва фойда солиғи (76,5%) бўйича солиқ қарзи суммаларининг жами солиқ қарзи суммасидаги улушларига мос равишда тақсимланади.

8. Пеня микдори тегишли солик ва бошка мажбурий туловлар буйича солик карзи суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас.

## 1-мисол:

Солиқ тўловчи 01.02.2012 й. холатига фойда солиғи бўйича 500 000 сўм солиқ қарзига эга ва шу суммага хисобланган пеня суммаси 80 000 сўмни ташкил этади. Солиқ тўловчи 10.02.2012 й. куни фойда солиғи бўйича 300 000 сўм солиқ қарзини қоплади, мос равишда, солиқ қарзи суммаси шу кунга 200 000 сўмни ташкил қилди. Демак, 01.02.2012 йилдан 10.02.2012 й. (шу кун ҳам ҳисоб-китобда инобатга олинган ҳолда) даврига 1 650 сўм пеня ҳисобланиб, жами пеня суммаси 81 650 сўмни ташкил этди.

## 2-мисол:

Келтирилган 1-мисолдаги солиқ тўловчи бўйича 10.02.2012 й. холатига фойда солигидан солиқ қарзи 200 000 сўмни, хисобланган пеня 81 650 сўмни ташкил этди. Солиқ тўловчи 15.02.2012 й. куни фойда солиги бўйича 150 000 сўм солиқ қарзини қоплади, мос равишда, шу кунга солиқ қарзи суммаси 50 000 сўмни хосил қилди. Демак, 11.02.2012 йилдан 15.02.2012 й. (шу кун хам инобатга олинади) даврига 330 сўм пеня хисобланиб, якуний пеня суммаси 81 980 сўмни ташкил килди. 16.02.2012 йилдан бошлаб пеня хисобланмайди, сабаби илгари хисобланган пеня суммаси солиқ қарзини қолдиқ суммасидан (200 000 сўм — 150 000 сўм = 50 000 сўм) ошиб кетади.

9. Хисобланган пеня суммаси солиқ қарзи мавжуд солиқлар ва бошқа мажбурий тўлов турлари бўйича тақсимланади, лекин илгари хисобланган пеня суммаси солиқ қарзи суммасига тенг ёки ошиб кетган солиқ турлари бўйича солиқ тўловчининг шахсий карточкаларида акс эттирилмайди.



<sup>«-» —</sup> солиқ қарзи буйича қолдиқ.

39 (591)-сон

Мисол:								сўм
Солиқ тури	суммаси %да	Ортиқча тўланган сумма	Қолдиқ (+, -)*	Пеня ҳисоблаш даври	Хисоб- ланган пеня	Илгари ҳисоблан- ган пеня	Пеня тақсимоти	Яку пе сум

	Солиқ к	арзи	Ортиқча		Пеня	Хисоб-	Илгари		Якуний	
Солиқ тури	суммаси %	%да	тўланган сумма	Қолдиқ (+, _)*	хисоблаш даври	ланган пеня	хисоблан- ган пеня қолдиғи	Пеня тақсимоти	пеня суммаси	
Қушилган қиймат солиғи	55 000	17,5	-	X	X	X	55 000	237,7	55 237,7	
Акциз солиғи	60 000	19,0		X	X	X	65 000	259,3	65 259,3	
Фойда солиғи	200 000	63,5	-	X	X	X	10 000	864,3	10 864,3	
Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар	-	ı	100 000	х	х	X	ı	-	-	
Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар	-	-	50 000	X	X	X	<del>-</del>	-	-	
Жами	315 000	100	150 000	$-165\ 000$	25	1 361,3	130 000	1 361,3	131 361,3	

<sup>\* «+» —</sup> ортиқча тўланган сумма бўйича қолдиқ; «-» — солиқ қарзи бўйича қолдиқ.»;



517, 524-моддалар

**— 36 —** 

39 (591)-сон

- е) 10-банд ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
- 3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2013 йил 30 август